



2020-йил “ 6 ” июль

№ 1079

Ўзбекистон тумани

Ўрта қишлоқ МФЙ Тош қишлоғида яшовчи фуқаро Тоштемиров Рашиджон Рахимовичга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисида

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 55-моддалари ҳамда “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ги қонуннинг 8-моддаларига “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги қонунининг 6-10-асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш комиссиясининг туман ҳокимлиги захира фондидаги ер майдонларидан Ўрта қишлоқ МФЙ Тош қишлоғида яшовчи фуқаро Тоштемиров Рашиджон Рахимовичга деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонини ажратиб бериш тўғрисидаги 25.03.2020 йил кунги хулосаси тасдиқлансин.

2. Ўрта қишлоқ МФЙ Тош қишлоғида яшовчи фуқаро Тоштемиров Рашиджон Рахимовичга туман ҳокимлиги захира фондига қарашли қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган Сохибкор ММТП худудидаги № 282қ, 283қ-контурдаги 0,35 (ўттиз беш сотих) га, ер майдонини деҳқон хўжалиги ташкил қилиш учун ҳамда иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Ушбу қарор туман ҳокимлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон тумани “давлат хизматлари” марказидан рўйхатдан ўтказиш тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб олиш вазифаси фуқаро Тоштемиров Рашиджон Рахимовичга юклатилсин.

4. Мазкур қарорга биноан ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириб бериш туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи С.Қурбоновга, ер солиғини ундириш туман солиқ инспекцияси бошлиғи Ж.Қўчқаровга топширилсин.

5. Ушбу қарор тасдиғи халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш, қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича туман ҳокими ўринбосари Д.Қодиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Қ.Джураев